



# YOSHLAR OVOZI

## СИНОВЛИ КУНЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Эзгуликнинг баҳоси бўлмайди. Ҳақ гап. Эзгулик ортидан келадиган қувонч ва сурурни туйиш эса улкан бахт.

Сўнги вақтларда имконияти чекланган, ижтимоий аҳволи оғир, кўп болали, битта хонадонда яшаб келган бир нечта оилаларнинг аҳволи ўрганилиб, улар учун қулай шарт-шароит, имкониятлар яратиш, уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Президентимизнинг "Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир", деган сўзлари бугун кундалик ҳаётимиз, фаолиятимиз, ҳар бир ишда дастуриламал бўлаётди.

— Жисмоний имкониятим чеклангани боис, уй қуриш, ўзимга бошпана қилиш қўлимдан келмай кўнглим ўксирди, — дейди Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 1-гурӯх ногирони Бегберган Жумабоев. — Қувончим чексиз. Энди мен ҳам бошқалардек ўз уйимга эга бўлдим. Янги уйга кўчиб кириб, танамга куч кирди. Давлатимиз томонидан биз каби инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар сабаб, шу юрт фарзанди эканлиман фахр-ифтихор туйман.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017—2021 йилларда қишлоқ жойларда янги қурилган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги ҳамда жорий йил 18 июлдаги "2018 йилда қишлоқ жойларда янги қурилган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартиралы уйлар қуриш дастури алоҳида шарт-шароитларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борадаги ишларни тизимлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди.

Бу каби хайрли ташаббусларда тинч ва фаровон ҳаётимиз шукронаси, бағрикенглик, саховатпешалик, меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш сингари инсоний фазилатлар намоён бўлмоқда.

— Меҳрибонлик уйда улғайганман, — дейди Николай Бирюков. — Чексиз меҳр, эътибор кўриб улғайишингиз мумкин. Қорнингиз тўқ, устингиз бут бўлиши

мумкин. Аммо кўнглингизнинг бир четидан кемтик бордек бўлади. Давлатимиз томонидан берилган эътиборнинг эса чеки йўқ. Доим ўйлайман, бу каби эътибор ва эъзозга, имконият, шарт-шароитларга, энг муҳими, билдирилатган ишончга муносиб бўла оламаними? Шу юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб, унинг тараққиёти учун хизмат қилишим кераклигини англаганим ҳолда, фарзандлик бурчимни оқлай оламаними? Шунинг учун бор кучим билан меҳнат қиламан.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам айна йўналишдаги ишларни тизимлаштиришда дастуриламал бўлаётди.

Мазкур фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ногирон, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар, хотин-қизлар бу имкониятдан фойдаланиши мумкин.

— Оилани бўлгач, иқтисодий қийинчиликлар кетма-кет келавери, — дейди Мақсуда Ҳақимова. — Эр-хотин ишлаймиш. Аммо, "қўрпани бошга тортасак оёқ, оёқни ёпсак бош очилиб қолаяпти", деганидек, ҳеч етказма олмадик. Фарзандларимиз туғилган, бу яққол сезила бошлади. Уй-жойимиз йўқ, ижарада яшашнинг ўзи бўлмасди. Бу каби иқтисодий етишмовчиликлар сабаб ўз шахсий уй-жойини фақат орзу қилиб бу дунёдан ўтиб кетармиканми, деган вақтларимиз ҳам бўлган. Ташвишимиз фақат кун кўриш, яшаб қолишдек эди, гўё.

— Меҳрибонлик уйда улғайганман, — дейди Николай Бирюков. — Чексиз меҳр, эътибор кўриб улғайишингиз мумкин. Қорнингиз тўқ, устингиз бут бўлиши

(Давоми 2-саҳифада)

## YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA



### "ФАРОВОН" ДА ҚУВОНЧЛИ ОНЛАР

Термиз шаҳрида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган 15 нафар ёш оналар ва Ёшлар иттифоқи масъул ходимларига янги хонадонлар топширилди.

"Фаровон" массиви

ҳудудда жойлашган мазкур уйлар 420 хонадондан иборат. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган иншоотларда барча қулайликлар яратилган. Ушбу хонадонларнинг бошланғич тўловлари Ўзбекистон

ёшлар иттифоқи томонидан тўлаб берилди.

— Бугун ҳаётимизда энг қувончли кунларимдан бири, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ходими Малика Раҳмонова. — Боиси мана шундай

файзли хонадоннинг эгаси бўлик. Бунинг учун барчага ўз минатдорлигини билдираман. Қўшилишимизнинг ҳам биз каби ёшлар экани эса, айна мудоо.

Наргиза ҚОРАБОЕВА

## ИШОНЧ ВА ИМКОНИАТ

Беруний туманида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди



Муассасада барча қулайликларга эга, замонавий технологиялар билан жиҳозланган 200 ўринли конференция зали, кутубхона, спорт зали ёшлар хизматида шай.

Шунингдек, марказда чет тили, тасвирий санъат, бичиш-тиқиш, шахмат, шашка, бадий гимнастика тўғрисидаги фаолият юритмоқда.

— Ёшлар маркази биз

учун катта тўхфа бўлди, — дейди Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши раиси Нурсултан Кузенабаев. — Берунийлик йигит-қизлар ушбу ишонч ва имкониятдан унумли фойдаланиб, юрт раванкига муносиб ҳисса қўшади. Эътибор ва ғамхўрлик учун барчага миннатдорлик билдираман.

Қумар БЕГНИЯЗОВА

## ДИЛЛАРНИ-ДИЛЛАРГА БОҒЛАГАН АЙЁМ

Хива шаҳридаги "Ичанқалъа" давлат музей-қўриқхонасида "Рақс сеҳри" халқаро фестивали бўлиб ўтди



## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТШУНОСЛИГИ КЎЗГУСИДА

Марҳабо Қўчқорованинг "Академнашр" нашриётида чоп этилган "Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида" номи китоби Матёқуб Қўшонов, Озод Шарафидинов, Умарали Норматов ва яна бир қанча қаҳҳоршунослар ишига қўшилган кичик бир улушдир. Мазкур янги тадқиқот Абдулла Қаҳҳор уй-музейи архивда олтин фонд сифатида сақланаётган ёзувчи қўлёзмалари, дафтарлари, кундаликлари, турли ҳужжатлар, мактублар мазмуни, тадқиқи ва талқинлари билан бойитилган. Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 111 йиллигига бағишланган монографиянинг мазмуни ва мундарижаси ўқувчилар учун қизиқарли ва фойдалидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Абдулла Қаҳҳор уй-музейи ҳамда Маданият ва санъат қўрағамси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир ушбу китоб тақдими тўғрисида бағишланди.

Тадбирда ёзувчи-шоирлар, талаба-ёшлар, санъаткорлар иштирок этди. Ардоқли ёзувчимизнинг "Сароб", "Қўшчинон чироклари" романларидан тўртинчи юзга яқин ҳикоялари, "Қотилнинг туғилиши", "Олтин юлдуз", "Синчалак", "Мухаббат", "Зилзила" қиссалари-ю гўзал бадий публицистик ҳикояларининг барча-барчаси халқимиз қалбидан чуқур ўрин олгани эътироф этилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ESHITDINGIZMI?

### "ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ": АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

#### БИРИНЧИ ЎРИНДА

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг "Очиқлик индекси" бўйича навбатдаги рейтинг эълон қилинди. Рейтинг 22 вазирлик, 11 қўмита, 7 агентлик, марказлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларини қамраб олган.

Бу галги "Очиқлик индекси"да Адлия вазирлиги 88,12 балл билан биринчи ўринни эгаллаган бўлса, кейинги ўринлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (75,85 балл) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (66,75 балл)га насиб этди.

Ҳокимликлар орасида эса, Тошкент шаҳри ҳокимлиги (72,07 балл) яққол пешқадам.



## ЎЗБЕК ПАЛОВИ ЭНГ МАЗАЛИ ТАОМЛАР ЎНТАЛИГИГА КИРДИ



Буюк Британиянинг "The Guardian" нашри миллий таомимизни дунёнинг энг мазали ва арзон кўча таомлари ўнталигига киритди.

Паловадан ташқари, Франциянинг "Сокка", Катмандунинг "Момос", Мексиканинг "Ла Тилапия" таомлари, Бангкокнинг гуруч ва товۇқли қайласи ушбу рўйхатда ўрин олган.

## ФАРҒОНАДА ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТ ОЧИЛДИ

Фарғона политехника институтининг В.Шухов номидаги Белгород давлат технология университети билан ҳамкорликда технологик жиҳозлар ва комплекслар қўшма факультети очилди. Бу ерда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли интеграцион алоқалар таъминлаштирилиб, юқори малакали соҳа мутахассислари тайёрланади. Факультетдаги ўқув жараёнига 2018-2019 ўқув йилида 32 нафар хорижий профессор-ўқитувчи, олим ва мутахассис жалб этилади.



## "OPEN AIR. SILK ROAD SIMFONY" РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ ДАВОМ ЭТАДИ



18-26 сентябрь кунлари юртимизнинг турли ҳудудларида Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг "OPEN AIR. Silk road simfony" концерт дастурлари ўтказилди. 18 сентябрь кунин Гулистон, 20 сентябрда Жиззах, 22 сентябрда Самарқанд, 24 сентябрь кунин Навоий, 26 сентябрда Бухоро шаҳрида аҳоли ва юртимиз меҳмонлари оркестр репертуридан ўрин олган ўзбек ва жаҳон композиторларининг симфоник мусикаларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Ўз ахборотимиз

## ОҚ ОТДАГИ ШАҲЗОДА, АВВАЛО, ТАРБИЯЛИ ВА ИЛМЛИ БЎЛСИН!



# ДИЛЛАРНИ-ДИЛЛАРГА БОҒЛАГАН АЙЁМ

Ўзбекистон Республикаси Маданият, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, юртимизда маданият ва санъат, хусусан, миллий рақс санъатини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. "Шарқ тароналари", "Бойсун баҳори" фестиваллари, "Мақом санъати анжумани" фикримизнинг далилидир.



лар либосидаги рангларга уйғунлашиб, обидалар, осмонўпар миноралардаги рангдор нақшларга янада жило бергандай бўлди. Санъат байрами давомида Ичанқалъада уста-хунармандларнинг маҳсулотлари ярмаркаси, тасвирий ва

амалий санъат намуналари кўргазмаси, ошпазлар танлови, фольклор-этнография жамоалар, оқин ва бахшиларнинг чиқишлари, мусиқали драма ва кўғирчоқ театрларнинг томошалари намойиш қилинди. Тадбир доирасида

"Рақс санъатида миллий анъаналарнинг аҳамияти" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилиб, миллий рақс санъати бўйича маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди.

— Жаҳондаги ilk китоблардан бири — "Авесто" да ҳам рақс санъати хусусида битик бор, — дейди Халқаро "Олтин мерос" жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари, фидойи ўлкашунос Комилжон Нуржонов. — Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матқубова бу ёзувдан фойдаланиб "Анахита" рақсини яратган. Шогирдлари эса, уни дунё сахналарида маҳорат ила ижро қилиб, олқишга сазовор бўлмоқда.

"Рақс сеҳри" халқаро фестивалида юртимизнинг турли ҳудудларидан ва ундан зиёд хорижий мамлакатдан келган санъаткорлар иштирок этди. Япон қизининг дутор чалиб, "Чаман ичра" ашуласини соф ўзбек тилида куйлаши, кунчиқар юрт қизлари эса, "Доира" рақсини худди ўзинининг раққослардек қойилмақом қилиб ижро этгани барчанинг олқишига сазовор бўлди.

— Ўзбек халқининг миллий қадриятлари, айниқса, санъатига жуда ҳам қизиқаман, — дейди япониялик Машуко Мазаки. — Шу сабаб ўзбек тилини, миллий музика асбобларинингизни чалишни ўргандим. Репертуаримни халқининг маънавий бойлиги саналган миллий қўшиқлар билан бойитиб бораёяман. Ўзбек дўпписи ва адрасида сахнага чиқиб куйлаганимда юртошларим мендан бу санъатни қандай ўрганганим, урф-одаатарингиз ҳақида сўрайди. Мен уларга юртингизда кўрган-билганларим ҳақида ҳикоя қилишдан чарчамайман.

Бир сўз билан айтганда, "Рақс сеҳри" халқаро фестивали бу гал ҳам дилларни-дилларга боғлади, давлатлар ўртасидаги дўстлик, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаб, туризмни ривожий йўлида янги саҳифа очди.

Яқунда фестивал иштирокчилари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Шоҳруҳ ИБОДУЛЛАЕВ.  
Муаллиф олган суратлар.

## JARAYON

Гулноза АМИРОВА

# 48 НАФАР ЁШ ЛЕКТОР



Самарқанд шаҳрида Республика ёшлар марказининг "Ёш лекторлар" клуби битирувчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ёшларнинг фикрини ўрганиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мазкур клубнинг вилоят бўлимида уч ой давомида 104 нафар йигит-қиз тахсил олди. Уларнинг 48 нафари имтиҳонларни аълога топ-

шириб, махсус маълумотномага эга бўлди.

— "Ёш лекторлар" клубида ёшларга нотиклик санъати, нутқ маданияти, инсон психологияси, шахсни ривожлантириш бўйича дарслар ўтилди, — дейди клуб раҳбари Фарангиз Худоерова. — Айни

пайтада тўғрақ қошида "Young stars", "Butterfly", "Атлантика", "Дакота" гуруҳлари ташкил этилган. Биз нафақат нотик ва лидерларни тайёрлаш, балки нутқи суст, табиатан тортинчоқ йигит-қизлар билан ишлашни мақсад қилганмиз.

## DAVRA SUNBATI

# ИСЛОМ – МАЪРИФАТ ДЕМАК...

Р.АБДУЛХОЛИҚОВ

Пойтахтимиздаги ҳарбий қисмда "Исролда таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ва маънавият" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳарбий қисмдаги бошланғич тақдироти ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Чирчиқ ҳарбий прокурорининг катта ёрдამчиси, адлия

капитани Олимжон Ҳайдаров, Юнусобод тумани имом-хатиби Раҳматилло Сайфиддинов, офицер ва аскарлар иштирок этди. Учрашувда ислом динининг асл моҳияти хусусида

сўз юритилиб, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани, бунда бир зум ҳам хушёрликни қўлдан бермаслик зарурлиги таъкидланди. — Муқаддас динимиз фақат эзгуликка чақиради, — деди Р.Сайфиддинов. — Исролда ҳатто ёввойи ҳайвонга ҳам озор бериш қораланади. Агар барчамиз динимизда айтилганидай бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлсак, дунёда адоват қолмайди.

Давра суҳбати давомида ҳарбий хизматчилар ўзини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олди.

## BELLASHUV

# ЧИЛОНЗОРЛИК ЁШЛАР МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Президентимизнинг жорий йил 4 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра, юртимизда ҳар жума куни "Маънавий юксалиш ва Ватанпарварлик куни" деб эълон қилинган эди.



Шу муносабат билан Чилонзор туманидаги болалар ва усмирлар спорт

мактабида "Темурбеклар" ҳарбий-спорт уйинлари фестивали бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлири ҳамкорлигида ўтказилган фестивалда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг 10 – 11-синф ўқувчиларидан иборат жамоалар куч синашди.

Фестивалда иштирокчилар сафда шаҳдам қадам билан юриш, ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларни куйлаш, биринчи тез тиббий ёрдამ кўрсатиш, арқон тортиш, югуриш каби спорт турлари бўйича беллашди.

Қизгин ва мurosасиз кечган мусобақа натижасига кўра, Чилонзор тумани жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Беллашув давомида Миллий гвардия хизматчилари томонидан намойиш этилган ўзбек жанг санъати ва жанговар машқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдиради.

Мухбиримиз

# БОСМА НАШРЛАР: ИҚТИСОД, ОБУНА ВА САМАРА

Ақромжон САТТОРОВ, ЎЗА муҳбири

Бугунги кунда Наманган вилоятида 44 номда газета ва 6 номда журнал чоп этилмоқда. Хўш, уларнинг иқтисодий аҳволи қандай? Газета-журналлар адади ва ўқишлигини ошириш учун нима қилиш керак?

Наманганда ҳудудий босма нашрларнинг ҳолатини яхшилаш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренингда шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган босма нашрлар муҳаррирлари ва мутахассислар иштирок этди.

— Аччиқ ҳақиқат шуки, вилоятдаги

босма нашрларнинг иқтисодий аҳволи, чоп этилиш адади қониқарли эмас, — дейди вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бўлими бошлиғи Р.Ирисов. — Масалан, энг кўп ададада чоп этилаётган газета вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигидаги "Болалар дунёси" 20 минг, маҳаллий ҳокимликлардан Поп тумани ҳокимлигининг "Поп тонги" газетаси 6 минг нусхада чоп этилмоқда. Айни пайтада вилоят хотин-қизлар қўмитасининг нашри 700, Наманган тумани ҳокимлигининг нашри "Истиқлол" газета-

си 1200 нусхада чоп этилаётгани ачинарли албатта. Бу таҳририятлар фаолиятида туб ислохотлар зарурлигини кўрсатадиган рақамлардир.

Семинарда ҳудудий нашрларнинг бугунги ҳолати, менежмент ва маркетинг йўналишларидаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар, ОАВ томонидан йўл қўйилаётган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан мониторинг натижалари, ҳудудий нашрларда ахборот тайёрлаш — контент масаласи, журналист текшируви олиб бориш босқичлари ва тамойиллари, ислохотлар устидаан жамоатчилик назоратини ўрнатишда журналистнинг роли ва касб этикаси тамойили каби мавзуларда маърузалар тингланди.

# СИНОВЛИ КУНЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шукрки, мурожаатларимиз бесамар кетмади. 15 йил деганда Сергеи туманида қурилаётган янги уй-жойлардан бизга икки хонали хонадон ажратилди. Яқинда кўчиб ўтдик. "Ўз уйинг — ўлан тўшагинг", деганларича бор экан.

Бугун юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, айни эзгу ишлар мунтазам ташкил этиб келинмоқда. — Энг улуғ, энг азиз айём арафасида ўз уйимга эга бўлган эдим, — дейди навоийлик Беҳзод Раҳимов. — Севинчимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Ўз уйим бўлишини қанчалар истаганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Уйсизлик нимагини бошидан кечирганлар яхши тушунади. Шукр, орзуим ушaldi. Давлатимизнинг ўз фуқароларига ғамхўрлигини қарангки, энди ўз уйимга эга бўлиб турибман. Кўнгли ўксикларни қўлаётган давлатимиздан, ҳукуматимиздан миннатдорам.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи

Шоира Ҳужаеванинг турмуш ўртоғи билмай жиноят йўлига кириб қолгач, жиноий жавобгарликка тортилди. Вояга етмаган учта фарзанди билан икки йил давомида цехнинг иккинчи қаватида яшаб юрган аёл кўплаб ташкилотларга мурожаат қилиб кўрди. Аммо ижобий натижа бўлмади. Оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилгач, унга тумандаги "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини биносининг фойдаланилмай турган иккита хонаси вақтинчалик яшаб туриш учун берилди. Аммо бу ечим эмас. Шу боис ушбу оилани доимий уй-жой билан таъминлаш борасидаги амалий ишлар давом этади.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, замон талабларига тўла жавоб берадиган кўп қаватли уйлар бунёд этишдек эзгу ишлар давомида кам таъминланган оилаларга мўлжалланган арзон уй-жойлар қурилиши ҳам назардан четда қолаётгани йўқ.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,  
ЎЗА муҳбири

# ЎЗБЕКИСТОНДА БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ИККИ ДИПЛОМГА ЭГА БЎЛИШ МУМКИН

Б.МЕЛИҚУЛОВА, ЎЗА муҳбири

Урал давлат иқтисодиёт университетида кимлар ўқийди? Бу саволга ҳафта охирида жавоб топиш мумкин.

17 сентябрь куни "Ёшлик" спорт-соғломлаштириш мажмуасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Урал давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигидаги қўшма таълим дастури асосида бакалаврият босқичига ҳужжат топширган абитуриентлар учун тест синови бўлиб ўтди. Натижалар 23 сентябрда эълон қилиниши кутиммоқда.

2018/2019 ўқув йили учун

иқтисодиёт (корпоратив иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш), иқтисодиёт (иқтисодиёт ва лойиҳаларни бошқариш), менежмент (кичик бизнесни бошқариш), савдо иши (халқаро тижорат) таълим йўналишларига жами 125 абитуриент талабалikka қабул қилиниши режалаштирилган.

Бир юз йигирма беш уринга мингга яқин йигит-қиз даъвогарлик қилмоқда.

Мажмуа ҳовлисида отаналар учун қўлайликлар яратилди. 8 умумий ва 4 мобил камерада кузатув



олиб борилди. Тест жараёни ташқи мониторинг кузатиб борилди.

— Ўғлим Тошкент давлат иқтисодиёт университети

талабаси бўла олмаганидан афсусланаётган эди, — дейди Мухаббатхон Парлибоева. — Яна бир имконият пайдо бўлганидан

хурсандмиз. Ўғлим жиддий синован ўтаётганини ҳис қилиб турибди. Уйлайманки, билимли, салоҳиятли абитуриентлар талабалар сафидан жой олади.

Ўқиш жараёни рус тилида олиб борилди. Математика, хорижий тиллар, жумладан, рус тили ва адабиёти фани бўйича Урал давлат иқтисодиёт университети мутахассислари томонидан тайёрланган тестлар ҳам рус тилида тақдим этилди. Жараён ҳам уларнинг кузативи остида бўлиб ўтди.

Тест имтиҳонидан ўтганлар жорий йилнинг 1 октябрдан бошлаб Тошкент давлат иқтисодиёт университетида кундузги таълим шаклида тўрт йил ўқийди. Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик асосида очилган мазкур йўналишнинг бакалаврият босқичини тамомлаган талабалар икки университет дипломига эга бўлади.

## MULOHAZA

### ДАСТЛАБКИ ҚАДАМНИ СИЗ ТАШЛАНГ

Мафтуна МИРЗАХУЖАЕВА

Ўтган ҳафта дугонам Азиза кўнгириқ қилиб: “Бизникига кел, бирга дарс қиламиз”, — деб илтимос қилди. Йўқ, дея олмадим. Маҳаллалар оралаб борарканман, бир-биридан кўркем уйлари томоша қилиб, дугонамникига қандай этиб келганимни билмай қолибман. Энди эшик кўнгириғини босмоқчи эдим, дарвоза ёнида турган ахлат челадаги китобни кўриб ҳайратдан донг қотдим. Қўлимга олиб қарасам, таниқли ёзувчининг ҳикоялар тўплами экан. Китобни артиб, Азизани тезроқ қақришига ошқим. У чиқши билан саломлашмай саволга тутдим.

Гадой, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамид Олимжон ҳаётига оид қизиқ-қизиқ воқеаларни, уларнинг миллатимиз, жаҳонда тутган ўрни ҳақида сўзлаб берарди. Бироқ бугун айрим йигит-қизлар шундай аждоғларимиз билан мақтанайди-ю, улар ҳақида бир-икки савол берсанг мум тишлайди.

Укамни олгани мактабга борсам, бир она овозини баландлатганча ўқитувчи билан жанжаллашяпти. Унинг гап-сўзини истамасангиз-да, қулоғингизга кирарди. “Бир болани китобга меҳр қўйдирилмасангиз, нима қилиб ишлаб юрибсиз? Давлат сизга нимага ойлик тўлайди, биласизми? Билмасангиз, билиб олинг: мана шу болаларни ўқитиш учун. Сиз бўлсангиз, ўз вазифангизни бажариш ўрнига менга ақл ўргатасиз. Ҳей ўргилдим, сиздек ўқитувчидан”, — дейди-ю нари кетди.

Асл фожиамиз нимада эканини мана шу онани кўриб англаб етдим. Ҳамма нарсани уй-рўзгор ташвишларини, фарзандлари учун пул топиш билан хаспўлаётган ота-оналар тўрт девор ортда уларнинг келажаги, эртаси ўсаётганидан беҳабар бўлмаганида миллат шайнига доғ туширадиганлар бўлмасмиди?!

Қадри ота-оналар! Фарзандингиз билан ҳар куни ҳеч бўлмаса ўн дақиқа китоб мутула қилмас экансиз, уни ҳеч қачон китобга ошно этмайсиз. Ахир, доно халқимиз “Ота-она — андаза”, деб бежиз айтмаган. Дастлабки қадамни сиз ташланг, токи жамиятдаги оқсоқликлар маънавият билан тўлсин.

рим борлигига ачиндим.

Бобом хонадонда чақалоқ туғилса, уни, аввало, китоб билан таништирарди. Яқинлар: “Ҳали гўдак бўлса, китобни билاديم”, деса, “Бола ҳозир олам билан танишяпти. Тарбияни дастлаб қандай бошласанг охиригача шундай кетади”, дерди.

Бироқ негадир сўнги вақтларда айрим оналарда китобга муносабат ўзгарди. Авваллари бирон жойга меҳмонга борсанг “Қани қайси шеърни биласан?”, деб сўрашарди. Ҳозир эса...

Дугонам Азизанинг қилган ишини ўйлаб, яна болалик хотираларим жонланди. Онам катта бўлган ҳовлида турли мева ва полз экинлари ўсарди. Ёзги таътил кунлари биз бобо-бувимизга ёрдам берардик. Бобом Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Баҳоуддин Нақшбанд,

— Ҳа, буми? Эскириб кетган-ку. Уни барибир ҳеч қим ўқимади. Ўзи янги китобларини қўйишга жой йўқ. Камига булар билан тўлдиргим келмади, — деди бепарво.

— Ўзи бу китобни ўқиганимсан? Муаллифини танийсанми? — дедим жаҳл билан.

— Ҳа, албатта. Нима эски китобни қайта-қайта ўқиш шартми? — деди у нега асабийлашяётганимни тушунмай.

— Китобни ахлат челака ташлайдиган бўлсанг, янгиларини ўқийингнинг ҳолати ҳам, фойдаси ҳам йўқ.

Ортимга қайтарканман, қимматбахо телефонига гард юқтирмайди, сўнги русумдаги компютери билан мақтанганидан, қимматбахо либосларини кўз-кўз қиладиган, аммо китоб ҳақида тасавури йўқ тенгдошларим

## ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН

Республикамиз бўйлаб ўқувчи-ёшларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилиш маросими ўтказилмоқда.



Термиз шаҳрида “Ватан, дўстлик ва бахтли болалик учун” шиори остида ўтказилган лойиҳа давомида 2 минг 775 нафар ўғил-қиз ташкилот аъзосига айланди. Тадбирда сўзга чиққанлар болаларни самимий қутлаб, уларга аъзолик нишонларини тақиб қўйди. Яқунда ташкил этилган концерт наврасталарга хуш кайфият улашди.

“Kamalak” аъзолигига қабул қилинди. Таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирок этган тадбирларда Ватанини мадҳ этувчи, бахтли болаликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишладди.

### ХОРАЗМ

Хоразм вилоятининг барча туман, шаҳар миқёсида мазкур тадбир маданият ва истироҳат боғларида ўтказилди. Барча умумтаълим муассасаларининг биринчи синфига қабул қилинган 41 минг 923 нафар ўғил-қиз

### АНДИЖОН

Булоқбоши туманида ташкил этилган тадбир сардорлар сайловига улашиб кетди. Унда мутасаддилар ёшларга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган имконият ҳақида сўз юритиб йигит-қизларни Ватанга муносиб фарзанд бўлишига, жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга чорлади.

Маросимда 2 минг 700 нафар ўқувчи ташкилот аъзолигига қабул қилиниб, нишонлар топширилди.



### САМАРҚАНД

Ёшлар иттифоқининг Булунғур тумани кенгашида ўтказилган тадбирда ҳудуддаги 66 та умумтаълим мактабининг минг нафар биринчи синф ўқувчиси “Kamalak” болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилинди.

— Акам “Kamalak”нинг фаол аъзоси, — дейди Ҳилола Раупова. — Мактабга борганимда сен ҳам сафимизга қўшилсанми, деб таклиф қилишганида жуда қувондим. Бугунги кун биз учун эса қоларли бўлди.

## TOSHOYNA

### ТИЛИМ ТИЛИМ-ТИЛИМ...

Боборовшан ҲОЗИДИНОВ

Миллатни миллат қилувчи устун миллий гурур ҳисобланади. Бу ишбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Ўша гурур таянчи эса, шубҳасиз, тилдир! Ҳозирги глобаллашув замонида тилни, умуман ўзликни сақлаб қолиш янада долзарблик касб этмоқда.

Узоққа бормайлик. Уйдан кўчага чиқишингиз билан ён-берингизга рази солинг, пешлавлардаги битикларни бирма-бир ўқинг, уларнинг ярмидан кўпи ажнабий сўзлар. Тагин ўзбек тилидаги битикларнинг аксарияти хато ёзилган...

Шу кунларда пойтахтимиз кўчаларида “I love Tashkent” деган ёзувга тез-тез дуч келямиз. Бундай ёзув юқумли касаллик синга-

ри жуда тез суратда юртимизнинг барча гўшасига ёйилди. Бугун қай шаҳар ва манзилга борманг, шу каби битикка кўзингиз тушади. Тавба, Ватанга муҳаббатни ўзбекча ифода этишга ким ёки нима тўқинлик қилади?

Яқинда ижтимоий тармоқда шу мавзуда баҳслашдим. Тўртта хорижий тилни биладиган сўхбатдошим бу каби ёзувлар юртимизга келувчи сайёҳларга “қулайлик”

яратишини айтиди. Баҳс давомида бу фикри ўзини оқламагач, ёшларимиз кўча-кўйдаги ёзувларга қараб тил ўрганишини рўқач қилди. Инсон, аввало, ўз тилини мукаммал билиши керак, деган фикримга жавобан ўзининг ўқимшли эканини кўрсатиб қўйиш учун: “Уйимизда катта кутубхона бор. У кутубхонада йўқ китоблар ҳам бор”, дея жавоб эъди. Ҳарчанд уринмай, йўқ китоб қандай қилиб бор бўлишини била олмайди ва унинг ўзбек тилида китоб ўқиганига ҳам ишонгим келмади.

Ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган такси ҳайдовчиси йўл четидаги ёзувга ишора қилиб:

— Ака, шу нотўғри ёзилмаганми? — деди. Унинг саволидан қувондим. Қурилиш майдонига тўсиқ қилиб қўйилган лавҳани ўқиганимдаёқ гашим келган эди-да!

— Ҳа, хато ёзилган, — дедим. “Бугунги бунёдкорлик — эртанги келажак”, деган широрга ишора қилиб. Йигит эса:

— Бугунги қурилиш — эртага тарих, демократи? Тушунма-

дим, — деди. Шундагина у: “Сегодня строительство — завтра история”, деган ёзувни айтётганини билиб, ҳафсалам пир бўлди. Кейин унга бу широнинг ўзбекча-си ҳам хато ёзилганини, эртанги куннинг ўзи келажак деган маъно беришини тушунтироқчи бўлдим. У қоп-қора қошини чимириб:

— “Келажак”ни как... ёруғ-ликми, порлоқ деган маънода ёзгандир-да, — деди. Тасаввур қилаяпсизми, у ўзбекча ёзилган широт хато эканини тушуниши ҳам истамасди. Гап хорижий тил ҳақида кетганда эса...

Шу ўринда устоз шоир Эшқобил Шукрунинг:

— Она тил бу тушунча эмас! У барча миллий тушунчалар, фикрлар, қарашларнинг онаси, Ватандир. Шунинг учун “Ўзбекистон менинг, ўзбек тили эса, тафаккуримнинг Ватандир” деб кўнглимнинг паспортига ёзиб қўйайми, — дегани ёдимга тушди. Кейин замондош тенгдошларимга қараб сўрагим келди: “Сиз-чи? Сиз кўнгли паспортингизга қандай сўз битгансиз?”

## ЭЗГУ ИШЛАР ПОЙДЕВОРИ

Шерзода МАҲМУДОВ

Сиёсатчи, файласуф Мохандас Карамчанд Гандининг: “Нотинчликда тинчликка эришиб бўлмайди. Уни асраш қушқўнмас тиканаклари орасидан мевасини териш дегани. Мен бу масалага қанчалик чуқур ёндашсам, ич-ичимда қатъий бир хулоса туғилади: “Тинчликни асраш — бош инсоний бурч!”



Дарҳақиқат, тинчлик буюк туйғу. У — фаровон ҳаёт гарови. Бешикни хотиржам тебратиб, алла айтаётган она ва уни тинглаб ором олаётган гўдак, отасининг ёнида масрур кетаётган йигитнинг юз-кўзидан тинчлик тафти бор. Ҳар куни фарзандларини иш-ўқишга кузатиб, кеч кирганида очик чехра билан қарши оладиган, қўли меҳнатда чиниққан, содагина онангизнинг табассуми, “Болам” деган сўзида у жаранглайди. Боғ-бўстонларда ҳалол меҳнати ила мева етиштиратган танга деҳқоннинг қадоқ қўлида тинчлик заҳмати мўжассам.

Эрталаб уйдан беҳавотир чиқамиз, кечқурун эса, оиламиз бағрига хуш кайфиятда қайтамыз. Кўнглимизда

ҳадик йўқ. Ана шундай паллада дунёнинг кўлаб мамлакатидега кечаётган талотўплар, сиёсий ихтилофларга бир назар солинг. Уруш, у келтириб чиқараётган аянчи, оқибатлар, минг афсуски, неча-неча кўркем шаҳарларни харобага айлантириб, миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритмоқда.

Яратганга шукри, ҳалол меҳнат — ўзимиз танлаган касбу кор ила рўзгор тебратяпмиз. Аммо дунёда қурол билан ётиб, қурол билан туралдиган, ҳар қадам, ҳар нафасда ҳаёти хавф-хатарга тула умр кечираётганлар камми! Бир вақтлар илм-маърифат маскани бўлган айрим юртлар бугун қонли тўқнашувлар, сиёсий қарашлар, зиддиятлар маконига айланган, тараққиёт, одамларнинг яшаш

тарзи буткул издан чиққан. Ҳатто гўдаклар қўлида ҳам совуқ қурол. Уларни ойнаи жаҳон орқали кўрсангиз, қўшни хонадаги фарзандингиз хотиржам дарс тайёрлаши ҳам бахт эканини ҳис этасиз.

Тан олиш керак, аксарият ҳолларда инсон қадри нарсани йўқотган, қадрига етади. Аммо ўтмишдан сабоқ олиб, бугунга ҳозирлик куришдек туйғу ҳам борки, унга амал қилган авлодлар манзилга безавол етмоқда. Шундай экан, бугун сизу бизнинг вазифамиз, юртга дахлдорлик ҳиссини туйиб, шукрона қилиб яшашдир. Айниқса, бугунги тезкор ва глобаллашув замонда бир зум бўлса-да, ҳушёрликни йўқотмаслик бурчимиз. Ахир, тинчлик оламидаги барча эзгу ишларнинг пойдеворидир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН



Нукус шаҳридаги умумтаълим мактабларининг биринчи синфиде таҳсил олаётган 400 нафардан зиёд ўғил-қизга “Kamalak” болалар ташкилотининг кўкрак нишонлари тантанали топширилди. Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида ташкилотнинг янги аъзолари учун “Дўстлик қадри” номли спектакль намойиш этилди.

Шундай тадбирлардан бири Эликқалъа туманида ҳам ўтказилди.



Мухбирларимиз

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

# OQ OTDAGI SHAHZODA, awalo, tarbiyali va ilmi bo'lsin!

(dugonamga maktub)

Zilola G'AYBULLAYEVA

So'lim ko'chadan ketyamiz. Qo'limdan mahkam tutib olgan jiyanim bizga tobora yaqinlashayotgan quvnoq musiqa, bolalarning shodon kulgilari taralayotgan manzil tomon shoshiradi. Atrof gavjum. Istamasang-da, turli xil suhbatlar qulog'ingga chalinadi:

— Malikani tushunadigan, yaxshi odamga turmushga berishimiz kerak...

— Puliyam ko'p bo'lsin. Beixtiyor o'g'irilib qaradim. Taxminan, o'zim tengi bir qiz bilan o'rta yoshlardagi ikki ayol.

— Boyvachcha bo'lsa, undanam yaxshi, — deya qo'shimcha qildi hamrohlari-ning gapiga haligi qiz.

Aftidan, Malika shu bo'lsa kerak...

\*\*\*

Mening orzularim bir olam, dugonajon! Maktubimni yuqoridagi suhbat bilan boshlaganim bejiz emas. Boisi anchadan beri yozishni niyat qilgan fikrlarimning qog'ozga tushishiga ayni shu voqea sabab bo'ldi. Odatda, xat dildagi tuyg'ularni yetkazmoq uchun eng yaxshi vosita. Shu bois bugun sizga yurak yutib yozgan nomamni be'tibor qoldirmaysiz, degan umiddaman.

Mana yigirmaga ham qadam qo'ydik. Birimiz talaba,

yana birimizning qo'limizda gulday hunar bor. Lekin har birimizning ko'nglimizda kelajakning shirin orzulari yashayotgani sir emas. Fikrlarim chalkashib ketdimi? Kechiring! Men bugun siz bilan yuragimning tub-tubida asrab-avaylab saqlaydigan mana shu shirin orzular haqida gaplashmoqchiman.

Zolushka haqidagi ertakni bilasiz-a? Aqlli va zukko qiz. O'zining shahzodasini kutadi. Oppoq otda hayotiga kirib kelgan shahzoda esa, uni chinakamiga baxtli qiladi. Ha, bilaman, o'zini Zolushkaning o'mida tasavvur qilmagan biror qiz bo'lmas kerak. Siz ham o'z shahzodangizni kutayapsizmi? Oppoq otdi, sizni baxtli qila oladigan yigitini... Yoki men so'zlarini keltirgan Malikaga o'xshab boyvachchasiyimi? Umr yo'lingizda siz bilan doimo birga bo'ladigan insonni qanday tasavvur qilasiz? O'qimishli, ma'naviyatli, oriyatli bir inson sifatidami? Yoki o'ziga to'g' bo'lsa bo'ldi, ma'naviy olami, ichki dunyosining ahamiyati yo'qmi siz uchun?

Kursdoshlarim asosan qizlar bo'lgani uchun bizda bu mavzu ko'p ko'tariladi. Shunday suhbatlardan birida Maiftuna ismli dugonamning to'lib-toshib so'zlagani esmda: — Kecha sindoshim Azi-



Jahongir MIRZO chizgan surat.

zaning to'yi bo'ldi. Ishonassizmi, kuyovning puli ko'p ekan. O'rtog'im esa, oddiy oiladan. Lekin omadi bor qiz ekan. Boyvachchaga tegdi. To'yi shunaqa dabdabali bo'ldiki... Mashhur xonan-

dalar taklif qilingan ekan. To'y paytida kuyov kelinga yap-yangi "Spark" sovg'a qildi. Rosa havasim keldi. Bizgayam nasib qilsin. — Kuyov qayerda o'qigan? — deya so'radim sekingina.

— Bilmadim. Hech qayerda o'qimagan ekan, shekilli. Otasi katta tadbirkor ekan. Maftunaning tanishi o'zi orzu qilgan inson o'qimishli bo'lishi haqida hech o'ylab ko'rganmikan? Dugona-

larimning tasavvuri qanaqa? Ularning bu boradagi suhbatlariga quloq solsam, aksariyatining o'z idealidagi insonga qo'yadigan talabi bitta — puli ko'p bo'lishi kerak. Hatto ba'zilari og'zini to'ldirib:

"Adasi boyvachhasidan", deydi. Axir, ota o'g'ini bir umr ta'minlab berolmaydi-ku. Bu dunyoda odamzod o'zi omonat, boylik abadiy bo'larmidi?!"

\*\*\*

Bolaligimda bir ertakni ko'p o'qirdim. Keyinchalik multfilmni ham ko'rdim. Ko'pchilikka tanish bu o'zbek xalq ertagining qisqacha mazmuni quyidagicha: "Bir hukmdor oddiy hunarmandning qizini yaxshi ko'rib qolib, unga uylanmoqchi bo'ladi. Vazirlar sovcilikka boradi. Qiz sovcilardan podshoning biror hunari bor-yo'qligini so'raydi. Sovchilar ajablanib, "Butun mamlakat qo'lida bo'lsa, unga hunarim nima keragi bo", — deb javob beribdi. Qiz esa, "Yo'q, agar u podshoh bo'lsa ham, men qo'lida biror hunari bo'lmagan odamga turmushga chiqmayman", deya rad qiladi. Shoh qizning so'zlaridan qattiq g'azablangan bo'lsa-da, muhabbati uchun g'ilamchilik sirlarini o'rganadi va mohir hunarmand bo'lib yetishadi. Ular turmush quradi. Baxtli kunlarning birida podshoh qaroqchilar qo'lga asir tushib qoladi. Bu haqda o'z mulozimlariga xabar yetkazish uchun u qaroqchilarga: "Saroyga olib borib sotsangiz, meni o'ldirangizdan ko'proq foyda ko'rasiz", deya gilam to'qib beradi. Va gilamga qaroqchilar manzili-ga yo'l ko'rsatadigan xarita tasvirini tushiradi. Farosatli malika buni payqab, shu yo'l orqali shohni qutqaradi."

Yana bir yaqin dugonam haqida yozmoqchiman. Hozir u talaba. Unga hech qayerda o'qimaydigan, qo'lida tayin bir hunari bo'lmagan yigit ko'ngil qo'ydi. Qiz ham bee'tibor emas edi. Lekin u "Agar o'qisangiz sizga turmushga chiqaman", deb shart qo'ydi. Bir yil davomida o'sha oshiq o'g'lonning qanchalik mashaqqat bilan test sinovlariga tayyorlanganidan xabarim bor. Nihoyat, bu yil talaba bo'ldi. Balki, ushbu voqeani shun-

chaki fikrini dalillash uchun yozyapti, deb o'ylarsiz. Biroq bu ayni haqiqat. Aniq bilaman, o'sha yigit kelajakda ushbu sharti uchun dugonamdan minnatdor bo'ladi. Axir oliy ma'lumotli, bilimli insonlar uchun bugun mamlakatimizda imkoniyatlar kammi?

Dunyoda har qanaqa moddiy boylik yo'q bo'lishi, yo o'z qadr-qimmatini yo'qotishi mumkin. Lekin ma'naviy boylik, ilm va egallangan hunarni hech qachon yo'qotib bo'lmaydi. Siz tanlaydigan inson o'qimishli yoki hunarli bo'lsa, unga kelajagingizni bemaol ishonib topshira olasiz. Men ham o'zim tanlaydigan insonning bilimli, hayotda o'z yo'lini topgan, otasining puliga emas, o'z kuchiga tayanib kelajagini yaratadigan inson bo'lishini orzu qilaman. O'yilashimcha, sizning yuragingizda ham shunday xayollar bo'lsa kerak.

Biror kishi sizni qattiq yaxshi ko'rishiga ishonassiz-u, uning aniq ish joyi yo'qligi, biror joyda ta'lim olinmasligi uchun rad etmoqchisiz? Lekin shoshilmang! Unga ham imkon berish kerak. Axir muhabbat qudratli kuchga ega. Hatto men so'zlab bergan ertakdagi podshoh ham ko'ngil qo'rgan insoni uchun hunar o'rgandi. Agar siz uning yaxshi insonligiga ishonangiz, hech narsadan qo'rqmang. Otangiz rizoligi, onangiz oq fothasini olishga, sizning ishonchingizga erishishga kuchi yetadi. Faqat otasining mol-davlati bilan keriladigan yigitdan ko'ra, ahd qat'iy, tarbiyali va ilmi inson o'z yuqinlarini ko'proq qadrlaydi.

Xatimmi tugatayman. Shirin orzular sizni hech qachon tark etmasin. Bir umr sizning yoningizda bo'ladigan odamni tanlashda adashmang. Boylik va pul bilan qurilgan turmushdan ko'ngillar boyligi bilan yaratilgan hayot mustahkamroq bo'ladi. Bu mening fikrlarim. Agar sizning ham menga aytmochi bo'lgan ko'ngilingizdagi so'zlaringiz bo'lsa, xatingizni kutaman!

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Turmush o'rtog'im bilan o'tgan yili qonuniy ajrashdik. Ikki nafar voyaga yetmagan farzandimiz bor. Lekin erim aliment to'lashdan bosh tortyapti. Unga nisbatan qanday javobgarlik bor?

Asila Rajabova  
Navoiy viloyati

Savolga huquqshunos Gulnoza YO'LDOSHEVA javob beradi:


— Voyaga yetmagan yoki voyaga yetgan mehnatga layoqatsiz, yordamga muhtoj bolalariga aliment to'lashdan bo'yin tovlagan shaxslar Oila Kodeksining 79-moddasiga asosan ota-onalik huquqidan

mahrum qilinishi yoki jinoyi javobgarlikka tortilishi mumkin. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksining 122-moddasiga ko'ra, eng kam oylik ish haqining ellik baravarigacha miqdorda jarima

yoki ikki yilgacha axloq tuzatish ishlari yoxud olti oygacha qamoq jazosi belgilanadi.



Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi.



BILASIZMI?

Mamlakatimizdagi maktablarda ta'tillar muddati quyidagicha belgilangan:

- kuzgi ta'til — 4 noyabrdan boshlab 6 kalendar kun;
  - qishki ta'til — 28 dekabrdan boshlab 14 kalendar kun;
  - bahorgi ta'til — 21 martdan boshlab 7 kalendar kun;
  - yozgi ta'til — oxirgi bosqichli nazorat sinovi o'tkazilgan kundan (bosqichli nazorat o'tkazilmaydigan sinflar uchun o'quv yili tugagan keyingi kundan) boshlab 1 sentabrgacha.
- Ta'tilning oxirgi kuni bayram, dam olish (ishlanmaydigan) kuniga to'g'ri kelib qolsa, dars mashg'ulotlari keyingi ish kunidan boshlab davom ettiriladi.
- 1-sinf o'quvchilari uchun fevral oyi davomida qo'shimcha bir haftalik ta'til belgilanadi.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

SABOQ

Abdulla RUSTAMOV

## O'kinch

Nuroniyl bir oqsoqoldan kishilar so'rabdi: — Oqsoqol, shuncha yil yashab, umringizda vijdongingizni azoblagan biror xatoingiz bo'ldimi?

Shunda oqsoqol: — Ha, bo'ldi. Bundan ancha oldin bir xatoga yo'l qo'rganim haligacha yuragimni tirnab, mana qirg yildan oshdi hamki, tinchlik bermay keladi. Shuni eslagan sayin o'zimni qo'yishga joy topolmay qolaman, — debdi.

Uning bu gapidan hamma hang-mang bo'lib qolibdi. So'ng yana so'rabdi: — U qanday xato ediki, sizni shu paytgacha qiynayotgan? — Bundan qirg yil oldin shahrimizdagi bozorda katta yong'in bo'lgan edi. Yongan bozorning ichida mening kichkina do'konim bor edi. O'sha paytda men o'zim shahar tashqarisida edim. Bozordagi hamma qo'shnilarimning do'konlari yonib, faqatgina mening do'konim yong'in yetib bormay, omon qolganini eshitdim. Quvongandan Yaratganga shukrlar aytib,

o'zimni tinchlantirib, ko'nglim xotirjam bo'ldi. Ammo men yong'indan jabrlangan boshqa musulmon qo'shnilarimni unutilib, yolg'iz boshimning tashvishini o'ylaganim uchun uyaldim. Darrov tavba qilib, o'kinganimgin belgisi sifatida do'konimdagi bor mollarni qashshoqlarga tarqatdim. Shunday bo'lsa-da, o'sha paytdagi bir zumlik xudbinligim yuragimda dog' bo'lib qolaverdi. O'sha xatoimning o'ti yuragimni haligacha o'rtab keladi, — debdi xo'rsingan holda oqsoqol.

Xulosa: Xatosini tushunib, tavba qilish va uni tuzatishga harakat qilish yaxshi fazilat. O'zini boshqalarning o'rniga qo'yib ko'rish, o'ziga loyiq ko'rgan narsani boshqaga ham loyiq ko'rish va o'zgalarning tashvishi bilan yashash haqiqiy insoniylik belgisidir.

HIKMAT

Insonga dastavval bilim emas, tarbiya berilishi kerak. Tarbiyasiz berilgan bilim — odamzodning yovuz dushmani, u kelajakda insonning borliq hayotiga ofat keltiradi.

Abu Nasr Forobiy

O'QING, BU QIZIQ!



Zahiriddin Muhammad Bobur nomidagi O'sh davlat o'zbek musiqali akademik drama teatri Markaziy Osiyodagi birinchi professional teatrdir. Joriy yilda ushbu teatring 100 yilligi nishonlandi. Bugungi kunga qadar mazkur maskanda 600 dan oshiq spektakl namoyish etilgan.



Ko'pchiligimizga "Eng xavfli jonivor qaysi?", deb savol berilganda, darhol "Timosh, akula yoki yo'lbars", deb javob beramiz. Biroq Butunjahon sog'liqni saqlash tashkiloti tomonidan tuzilgan inson hayotiga xavf soluvchi mavjudotlar ro'yxatida birinchi o'rinni chivin egallagan. Ishonish qiyin, albatta. Lekin tashkilot bergan ma'lumotga ko'ra, ushbu mitti jonzot tashiydigan kasalliklar oqibatida har yili 700 ming nafardan ziyod odam vafot etadi. Qizigi, mazkur ro'yxatda chivindan keyingi o'rinni insonlar band etgan.

<p><b>MUASSIS</b> O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.</p> <p>Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich</p>	<p><b>TAHRIR HAY'ATI</b></p> <p>Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kallina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")</p>	<p>Dizayner Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich</p> <p>Navbatchi Ma'mura Xo'jaqulova</p>	<p>"YOSHLAR OVOZI"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. 1 belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.</p> <p>Gazeta materiallarni tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.</p>	<p>Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz</p> <p>"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.</p> <p>Indeksalar: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>Buyurtma G-936 Adasi — 11779</p> <p>Boshlarga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 00.15 O'za yakuni — 23.15</p> <p>O'qit usullari bosilgan.</p>
---	--	--	--	--